Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 28-dekabr, shanba № 156 (3349)

*Жамиятимизнинг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган барча ижодий меҳнат соҳалари қонун ҳимоясида бўлиши шарт.*

**Ислом КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида

***Миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшганини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

- шоирнинг «Сайланма» асарларини;
- «Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида» тўпламини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;
- шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли филм яратиш;
- мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида шоир ижодига бағишланган учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;
- Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф яшаган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин-Солор кўчаси, 1-уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;
- 2014 йил апрел ойининг охирида Ўзбек Миллий академик драма театри биносида шоир хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари белгилансин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 27 декабр

### Давра суҳбати

## Меҳнат муносабатлари: натижа ва истиқболдаги вазифалар

***Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан вазирликлар ва идоралар, Давлат қўмиталари, қатор жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***



Тадбир аввалида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева жорий йилда Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик асосида меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнат муносабатларида эришилган ижобий натижалар ҳамда келгусидаги вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй берди. Биринчи галда меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Меҳнат кодексларига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу орқали меҳнат бозоридаги жараённи тартибга солишни такомиллаштириш, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини тўлақонли рўёбга чиқариш, ёш мутахассисларнинг ишга жойлаштирилиши, меҳнат қилиш соҳасидаги кафолатларини кенгайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида пухта ҳуқуқий негиз яратилди.

Эътиборли томони, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 21 фоизга оширилди. Ижтимоий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда жисмоний имконияти чекланган болаларни уйида ўқитганлик учун умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига йўл ҳақи компенсацияси жорий этилди. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек, ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қайта кўриб чиқилди.

Обод турмуш йилида аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий масалаларни ечиш борасидаги ишлар кучайтирилди. 2013 йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар давлат бюджети умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этганлиги эътиборлидир.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида 2013 йилнинг ўзида қишлоқ аҳолисига уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-жой қуриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудларида ташкил этилди.

Жорий йилда 300 мингга яқин бола, жумладан, Оролбўйи ҳудудидан 4 минг 500 нафар ўқувчи ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб 75 минг нафар боланинг ёзги оромгоҳларда имтиёзли дам олиши ташкил этилиб, саломатлиги мустаҳкамланди.

Ушбу хайрли ишларда касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланди. Хусусан, жорий йил давомида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 22 минг 340 нафар фуқаролар ва 183 минг 721 та оилага 82 млрд. 446 млн. сўмдан зиёд ижтимоий кўмак берилди. Бунда кам таъминланган оилалар ва ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, янги оила қурган ёшларга фоизсиз ссудалар бериш, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун контракт пулларини қоплаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилиш, болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини қисқартириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Касаба уюшмалари маблағидан 32 минг 535 нафар коллеж ўқувчиси ва битирувчиларига 744 млн. 518 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар маблағидан 81 минг 532 нафар ёлғиз кекса ва ногиронларга 10 млрд. 835 млн. сўмлик моддий кўмак тадбирлари амалга оширилди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

### Ахборот



## Раёсат йиғилиши

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева олиб борди. Йиғилишда кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисидаги масалага батафсил тўхталиб ўтилди.***

Аввало, таъкидлаш жоизки, давр талабидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли амалий ишлар олиб борилди. Натижада, касаба уюшмаларининг асосий вазифаси бўлган ходимларнинг бандлик, иш ҳақи, меҳнат муҳофазасига оид манфаатларини самарали ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларга эътибор кучайди. Шунингдек, жамоа шартномаларининг сифати тубдан яхшиланди. Уларнинг бажарилишини йилда камида бир марта меҳнат жамоаси умумий йиғилишида муҳокама этилиши, белгилаб қўйилган имтиёзлардан барча ходимлар тенг фойдаланишининг касаба уюшма ташкилоти томонидан назорат қилиб борилиши натижасида ходимларнинг касаба уюшмаларига ишончи ортиб бораётир. Муҳим жиҳати, барча ташкилотларда илгари амалиётда қўлланган жамоа шартномаларига бир хил талаб ва ёндашувдан воз кечиб, уларни соҳа хусусиятлари, корхона, ташкилот, муассасаларнинг фаолият йўналишлари, молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, бошланғич ташкилотлар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, имкониятларини ошириш борасида муайян муваффақиятларга эришилди.

Бугунги тезкор давр ҳар бир ташкилот фаолиятини давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб боришни талаб этаётир. Шу боис йиғилишда касаба уюшмалари тизимидаги ислоҳотларнинг давом этаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тармоқ касаба уюшмалари, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган масъул ташкилотчилари, ҳудудий бирлашмалар фаоллигини янада ошириш, шу орқали меҳнат кишиси манфаатлари ҳимоясини кучайтириш масаласига урғу берилди.

Шунингдек, Раёсат йиғилишида касаба уюшма кадрлари ва фаолларини ўқитиш, 2014 йил — Соғлом бола йилида касаба уюшмалари сиҳатгоҳлари моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

### Маърифий тадбир

***Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ўзбекистон — ягона Ватаним!» шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар юқори савияда ўтказилмоқда.***

## Ўзбекистон — ягона Ватаним

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси ва Термиз давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган шундай тадбирда ҳарбий хизматчилар, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Термиз давлат университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Ойбек Рўзиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасида миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш мард, жасур ўғлонларимиз учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланганини алоҳида таъкидлади. Муддатли ҳарбий хизматга жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар саралаб олинаётгани ва намунали хизмат қилган аскарларга олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тавсияномалар тақдим этилаётгани ижобий самаралар бераётгани қайд этилди.

**ЎзА**



## Озодлигимиз ва эзгу ниятларимиз тимсоли

### 28 декабр – Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилган кун

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва ғояси асосида Мустақиллик майдонида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари майдоннинг манзарасини, мазмун-моҳиятини бутунлай ўзгартирди. Пухта ўйлаб, изчиллик билан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари самарасида бугун мамлакатимизнинг бош майдони юртдошларимиз учун севимли сайилгоҳ, табаррук зиёратгоҳ ва юксак маънавият масканига айланди.

Доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Кундузлари қуёш нурида, тунлари эса нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган ҳар бир киши ажиб бир сокинликни, ушбу сокинлик замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йилнинг 28 декабрида Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси ифода этилган муаззам ҳайкал қад ростлади. Президентимизнинг таклифига биноан ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди. Монумент ўз меъморий ечими, ғоявий-бадиий мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўл — Мустақиллик йўлининг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Майдоннинг кўркига кўрк қўшиб турган бу обида, ундаги Ер курраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўрган юртдошларимиз шуурида чексиз ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Фарзандини бағрига олган бахтиёр она сиймосида ўз онасини, беғубор болалигини, баркамол авлодини кўргандек бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Шу жиҳатдан, мамлакатимиз бош майдони марказида қад ростлаган Бахтиёр она ҳайкали юртимизда оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар айнан она бағрида, оила муҳитида куртак ёзади. Онани ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу амаллардандир.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан кириб келаётган 2014 йилга Соғлом бола йили, деб ном берилганидан асосий мақсад ҳам халқимизнинг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмуни бўлган соғлом ва баркамол фарзандлар тарбиясига, уни бағрида ардоқлаб, эзгу фазилатлар руҳида камолга етказадиган аёл зотини улуғлаш, соғлом ва аҳил оилани эъзозлашдир.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда миллат генофондини соғломлаштириш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор мақсадига айланди. Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги изчил ислоҳотлар бир-бирини тўлдириб, узвийлик ва мунтазамлик касб этди. Мамлакатимизнинг нафақат шаҳар ва туманлари, балки чекка қишлоқларида ҳам қад ростлаётган замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, муҳташам спорт иншоотлари ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Мустақил ҳаёт остонаси сари одимлаётган келин-куёвлар эзгу ният билан Эзгулик аркасидан ўтиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўяр экан, Ватанини, оиласини кўз қорачиғидек авайлаб-асраш масъулиятини янада чуқурроқ англайди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни йирик халқаро мусобақаларга жўнатиш, юртимизда йирик халқаро тадбирларни ўтказиш олдидан ушбу обида пойига гулчамбарлар қўйиш яхши анъанага айланди. Юртимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу Монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этмоқда. Мактаб остонасига қадам қўяётган ўқувчиларнинг Мустақиллик дарслари ҳам айнан шу мўътабар масканда ўтказилмоқда.

Шу кунларда Мустақиллик майдони янада кўркам ва файзли қиёфага кирган. Янги йил байрами арафасида қад ростлаган улкан арчадаги турфа безаклар ва камалакранг чироқлар, майдонда барпо этилган эртаклар шаҳарчаси барчага завқ-шавқ улашмоқда. Болажонларнинг шўх-шодон овози муаззам меъморий ансамблга уйғунлашиб, янада бетакрор жозиба касб этган.

Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг бетакрор қиёфаси, ҳаётбахш фалсафаси билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ёруғ келажак сари катта умид ва ишонч билан интилиши ҳамда унинг қандай буюк ишларга қодир эканининг амалий ифодаси сифатида барчамизни шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этаверади.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**
**ЎзА сурати**

Ishonch
2013-yil 28-dekabr № 156 (3349)

# Меҳнат муносабатлари: натижа ва истиқболдаги вазифалар





*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси, Болалар дам олиш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури амалга оширилиши ҳам ёш авлодни камол топтиришда муҳим аҳамият касб этган амаллардан бўлди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун Бош келишувнинг амалиётга самарали татбиқ этилаётгани ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида ютуқлар гарови бўлаётир. Барча соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган мазкур ҳужжат, ўз навбатида, ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини ўзаро уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг самарали усули сифатида ўзини намоён қилиб, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ривожига ҳисса қўшаётир. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, куни кеча ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йилларга мўлжалланган Бош келишув имзолангани мамлакатимизда ходимлар манфаатлари ҳимоясига эътиборнинг тобора кучайиб бораётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Ҳозирда касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 95,8 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган. Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномалари ва келишувлари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаби асосида зарур банд ва бўлимлар билан бойитиш, бу орқали ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Натижада, ходимлар иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида яратиб берилаётган кўплаб имтиёз ва кафолатлардан фойдаланмоқда.

Хусусан, жамоа келишувларида ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этишга, қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан юқорироқ тўловларни ўрнатиш тартибини белгилаш, ходимлар учун узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар бериш, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларга оид аниқ ва батафсил меъёрлар келтирилган. Ижтимоий кафолатлар, соғликни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шу жумладан, болаларни соғломлаштиришни ташкил этиш масалалари акс эттирилган.

Тузилаётган жамоа шартномалари орқали, жумладан, ходимларнинг касби, малакаси ва меҳнат шартномасига биноан тўла бандлигини таъминлаш, коллеж битирувчилари учун имтиёзлар тизимини жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёрларига риоя этиш масалалари ўз ечимини топяпти. Жамоа шартномаларида меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитар-гигиена ҳолатини яхшилаш, маиший хоналар билан таъминлаш, иш ўринларини шаҳодатлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўқитиш масалалари ҳам ўз аксини топган.

— Бундай учрашувлар доимий ўтказиб келинаётгани ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ўзбекистонда меҳнат муносабатлари соҳасида олиб борилаётган ишлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда, — деди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимуҳаммедов. — Чунки, бу борада ижтимоий шериклик асосида мукаммал тизим ишлаб чиқилган бўлиб, барча масалалар ҳамжиҳатликда ҳал этилмоқда. Бу ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини уйғун ҳолда таъминлаш имконини бермоқда.

— Уч томонлама Бош келишувнинг амал қилиши ва анъанага айланиб бораётган давра суҳбатлари ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этишда яхши натижа беряпти. Бугун меҳнат муносабатлари борасида билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ижтимоий шериклик асосидаги фаолиятимизни янада кенгайтиришга кўмаклашади, — деди Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов. — Олиб борилаётган тарғибот ишлари туфайли тадбиркорларимиз орасида ҳам касаба уюшма фаолиятига қизиқиш ортиб бораяпти. Касаба уюшмалари саъй-ҳаракатлари натижасида нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларда касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, жамоа шартномалари имзоланишига эришилмоқда. Бу эса, бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишлаётган ходимлар манфаатларини ҳимоялашда қўл келаётир. Шу боис ҳамкорлик асосида ишларни янада кучайтиришимиз керак.

Давра суҳбатида ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида эришилган натижалар ва келгусида ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳам муҳокама этилди. Хусусан, иш билан таъминлаш ва меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимояни кучайтириш йўллари, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуши фаровонлигини янада ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Тадбир давомида 2013 йилда корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда амалиётга татбиқ этиб келинаётган жамоа шартномаларининг муҳокамаси жараёнида ходимлар томонидан билдирилган меҳнат муносабатларига оид қатор саволлар ва таклифлар мутасаддилар эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, касаба уюшма фаоллари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш, ходимларни махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, қишлоқ хўжалиги ходимларига бериладиган кафолатлар, пластик карточкалар воситасида тўловларни амалга ошириш масалаларига оид берилган саволларга вазирлик ва идоралар мутахассислари томонидан жавоблар берилди.

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вакиллари иш билан таъминлаш ва меҳнат муҳофазаси, пенсия масалаларида олиб борилаётган ишлар, бу борада банк тизими олдида турган вазифалар, давлат бюджетидан молиялаштириладиган корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазаси ишларини молиялаштириш масалалари тўғрисида батафсил маълумот бердилар. Шунингдек, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат Солиқ қўмитаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари томонидан мавзуга оид фикр ва мулоҳазалар билан биргаликда келгусида ижтимоий шериклик имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш борасида қатор таклифлар билдирилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид зарур чора-тадбирлар ва уларни биргаликда амалга ошириш тадбирлари белгиланиб, кириб келаётган 2014 йил — Соғлом бола йилида ушбу йўналишларда ҳамкорликни кучайтириш борасида келишиб олинди.

Тадбир сўнгида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмалари, иш берувчилар ва ҳамкор ташкилотлар ижтимоий шериклигини янада кучайтириш мақсадида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.**
**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## Бор бўл, оқибат!

***Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, бугунги кунга қадар корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари ва келишувлар орқали фуқаролар ва уларнинг оилаларига ижтимоий кўмак берилди. Сарф-харажатлар асосан иш берувчилар маблағи ҳисобидан амалга оширилди.***

# Кўнгил равшанлиги

1070 та корхонада 1439 та кам таъминланган оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган жиҳозлар сотиб олиши, шунингдек, уй-жой қуриши учун 12 та корхонада 52 та оилага фоизсиз ссуда берилди.

Ўз навбатида, 25 та корхонада олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 25 нафар талабага шартнома пулларининг бир қисми корхона ҳисобидан тўлаб берилган бўлса, 455 та корхонада боқувчисини йўқотган оилаларнинг 489 нафар фарзанди учун дарсликлар ижараси, ўқув қуроллари харид қилиш учун харажатлар қисман қопланди.

Шунингдек, 169 та корхонада 202 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилиб, 75 та корхонада 109 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда ҳафтасига 35 соатлик иш тартиби белгиланди.

«Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» мавзуидаги чора-тадбирлар мажмуи доирасида 40 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Жумладан, 1 нафар пенсионер санаторийга йўлланма билан таъминланди ҳамда 3 нафар ногиронга ногиронлик аравачалари олиб берилди.

Касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида 24 нафар фермер ҳамда 7 нафар кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси вакили соғломлаштирилди, кам таъминланган оилаларга мансуб 7 нафар аёл ва 4 нафар тиббиёт ходими бепул даволанди.

Мирзаобод, Сардоба, Гулистон туманлари ва Ширин, Гулистон шаҳарларида истиқомат қилувчи 8 та ёш оила имтиёзли соғломлаштирилди.

Ёз мавсумида 19 та (6 таси стационар) оромгоҳ фаолият кўрсатган бўлиб, уларда қарийб 4503 нафар бола соғломлаштирилди. Уларнинг 800 нафари камхарж оилалар болалари, 100 нафари «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилари, шунингдек, 2260 нафари чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидир.

Кам таъминланган оилалар ва аҳолининг ижтимоий заиф қатлами вакилларининг маданий ҳордиқ чиқариши, қолаверса, туризмни ривожлантириш дастури доирасида тарихий шаҳарларга жамоавий саёҳатлар уюштирилди. Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарларга 3354 нафар кам таъминланган оила вакиллари саёҳатга олиб борилди.

Турли байрамлар муносабати билан эҳтиёжманд кишиларга 820,3 млн. сўмлик манзилли кўмак берилди.

Дастур бандларида кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тегишли ҳамкор ташкилотларга яқиндан кўмак бериб келинмоқда ва тадбирларда бирлашманинг фаол иштироки таъминланмоқда.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси билан биргаликда 11 та туман, шаҳарда семинар-тренинг ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, барча саъй-ҳаракатлар юрт ободлиги кўнгилларни равшан этишига қаратилди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Маънавият соатлари

# Манфаатлар кафолати

***Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан фаоллар, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, талабалар иштирокида кенгайтирилган анжуман ўтказилди.***



Унда Тошкент молия институти Фалсафа кафедраси доценти Тўра Норбоев маъруза қилиб, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил этиб берди. Шунингдек, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Мухтор Шодмонов Асосий Қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати улуғланганлиги ҳамда у ҳеч бир муболағасиз инсон манфаатлари кафолатига айланганлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида олий ўқув юртларининг иқтидорли талабаларидан 10 нафарига Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг стипендианти гувоҳномаси ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларининг 10 нафар ўқувчисига кенгашнинг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шу билан бирга, ёзги соғломлаштириш мавсуми тадбирларида жонбозлик кўрсатганлардан бир гуруҳи фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг 4-босқич талабаси Азизбек Абдулатипов, Тошкент давлат юридик университетининг 3-босқич талабаси Эльдар Шайдулин, Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 2-босқич талабаси Мафтуна Назарова, Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежининг 2-босқич талабаси Маҳлиё Кучкинова ва бошқалар сўзга чиқиб, бундай эътибор уларни янада яхши ўқишга, ишлашга руҳлантиришини изҳор этишди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

***Юртимиз муқстақилликка эришгач, ННТлар фаолиятининг принциплари конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилди. Аҳолининг турли қатламлари манфаатларини акс эттирувчи, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган ҳамда давлат институтлари билан ўзаро манфаатли алоқаларга кириша оладиган ННТларнинг кенг ривожланиши учун ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди.***

***Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ҳаётга жорий этилиши мустақил тараққиёт йўлимиздаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Ушбу концепция қоидаларини, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчиллик билан босқичма-босқич рўёбга чиқариш «учинчи сектор»нинг роли кучайишига олиб келди.***

# Ривожланиш

Мамлакатимизда ННТлар сафи тобора кенгайиб, улар жамият ҳаётининг турли соҳаларида қизғин фаолият юритаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Мустақилликка эришиш арафасида республикамизда атиги 100 га яқин ННТлар мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 6600 дан ошди. Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТлар давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий дастурларнинг фаол иштирокчиси, демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Давлат томонидан фуқаролик жамиятини мунтазам ривожлантириш борасида кўрилаётган ҳуқуқий, ташкилий-институционал, иқтисодий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари натижасида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари барқарор ривожланиб бораётир. Ушбу сектор фуқароларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришида, уларнинг ижтимоий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун катта замин яратиб, жамиятда манфаатлар мутаносиблигини таъминлашга яқиндан кўмаклашмоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар, яъни қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва амалга оширилаётган ҳаракатларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу йўлда ҳам ўзига хос «ўзбек модели» яратилганлигининг шоҳиди бўламиз. Юртбошимиз томонидан таклиф этилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси бу моделнинг асосини ташкил этади. Республикамиздаги фуқаролик жамиятининг ҳозирги ривожланиш даражаси, унинг сифат ва сон кўрсаткичлари, хорижий мамлакатлардаги худди шундай вазият билан қиёсий таҳлил этиш миллий моделимизнинг ўзига хослиги, замон билан ҳамнафаслиги ва барқарорлигини намоён этмоқда. Бунда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг сермазмун ҳуқуқий асослари яратилганлиги ва уларнинг замон талабларидан келиб чиқиб янгилаб, бойитиб борилаётганлиги муҳим аҳамият касб этяпти. Дарҳақиқат, жамиятда уларнинг мавқеи мустаҳкамланиб боргани сайин фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли ҳам ортиб бормоқда. Бу борада республикамизда эътиборга лойиқ тажри-

# Табриклаймиз,
# ҚУТЛАЙМИЗ!

Ishonch
2013-yil 28-dekabr № 156 (3349)

**«Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компаниясига қарашли «Тармоқлараро ўқув курси комбинати» шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси**



**Мамлакатимиз фуқароларини яқинлашиб келаётган Янги йил билан табриклайди. Меҳнатсевар халқимизнинг ҳар куни байрам бўлсин. Жаннатмакон юртимиз янада гуллаб-яшнасин!**






Реклама ўрнида

# Юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида

RAVNAQ-BANK

***Иқтисодиётни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалишида банк-молия муассасаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.***

Бугунги кунда «Равнақ-банк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпти. Жорий йилнинг 11 ойи мобайнида молиявий муассаса томонидан иқтисодиётга йўналтирилган сармоялар ҳажми 25,5 млрд. сўмни ташкил этди. Маблағнинг 19,3 млрд. сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган.

Мижозлар банк хизматларидан миннатдорликларини таъкидлашмоқда.

— Молиявий ҳамкор сифатида «Равнақ-банк»ни танлаганимиз бежиз эмас, — дейди Олмазор туманидаги «TAXI OLMAZOR» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳимжон Аҳмедов. — Банкнинг бизга ўз вақтида кўрсатган ёрдами туфайли корхонамизда такси паркларини ривожлантириш имконига эга бўлдик. 2,3 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари ҳисобидан автотранспорт воситаларини сотиб олдик. Йигирмадан зиёд янги иш ўрни яратдик. Келгусида банк билан ҳамкорликни янада ривожлантириб, иш кўламини кенгайтириш ниятидамиз.

Таъкидлаш жоизки, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масаласига банк томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг ўтган 10 ойида тадбиркор аёлларнинг 2,1 млрд. сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилди. Ёш оилаларга эса 660,1 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари берилди.

Эътиборлиси, «Равнақ-банк» томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Якка турдаги тадбиркор С.Шоҳназарова ёшларга чеварлик сир-асрорини ўргатиб келаётган ҳунармандлардан. У ўзи ташкил этган Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳридаги тикув цехида миллий ва замонавий услубдаги либослар тайёрлаб, ёшларга ҳунар ўргатиб келмоқда.

— Тикув цехимизда ўн нафар ишчи ва шогирдим билан миллий ва замонавий либослар, турли кийим-бошлар тикаяпмиз, — деди тадбиркор. — Шу ўринда айтишим жоизки, тикувчилик хом ашёлари сотиб олиб, тикув цехини ишга туширишимда «Равнақ-банк» кредити катта кўмак берди. Тикаётган кийим-кечакларимиз сифати юқорилиги боис харидоргир бўлмоқда.



Хулоса қилиб айтганда, «Равнақ-банк» юртимиз равнақи ва аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш йўлидаги хайрли ишлар кўламини мунтазам кенгайтириб бормоқда. Бу эса, мижозларнинг унга бўлган ишончини ошириш баробарида, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

**Насиба ИСМАТОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

**«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, «Кафолат» ДАСК (ОАЖ) Фарғона вилояти филиалининг 26.12.2013 йилдаги 04/676-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 22-уйда сақланаётган 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 408 ААА, «Тико» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси 3 317 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2014 йил 28 январ куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.** Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 24 январ, соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар автотранспорт восита бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FMM» МЧЖ нинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, ҳ/р: 20208000704943063001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-244-43-53. www.rmm.uz. *Гувоҳнома 1177.*

## Илмий-амалий анжуман

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ёш олимлар Кенгаши ташаббуси билан ЎзФА Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида истеъдодли ёш олимларнинг йиллик анжумани бўлиб ўтди.**



# Интеллектуал салоҳият

## у ҳамиша ардоқда ва бунинг учун барча шарт-шароит яратиб берилади

Тадбирда Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари, ёш олимлар ва ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Фанлар академияси ташкил топганининг 70 йиллигига бағишланган ушбу анжуманда ЎзФА президенти, академик Ш.Солиҳов сўзга чиқиб, юртимизда барча жабҳаларда илм-фан соҳа вакилларининг ўрни сезиларли даражада кўзга ташланаётгани, айниқса, жамиятимизни модернизациялаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда юксак илмий салоҳиятли кадрлардан унумли фойдаланилаётганини таъкидлади. Шунингдек, у мамлакатимизда олий таълимдан кейинги ўқув тизимининг бир босқичга айлантирилиши муносабати билан, тизимнинг ислоҳ қилиниши баробарида юксак билим ва маънавиятга эга бўлган, замон талабларига мос равишда фаолият кўрсатаётган ёш олимлар ушбу жараёнларда муҳим рол ўйнаши, қолаверса, бу барча академия тизимидаги ёш тадқиқотчилар учун дастурий вазифа бўлиб қолиши лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Айтиш жоизки, ЎзФА Ёш олимлар кенгаши 2009 йил декабр ойида ташкил этилганди. Бугунги кунда ушбу кенгаш 700 дан ортиқ ёш олимларни ўз атрофига бирлаштирган.

Ёш олим ва мутахассисларнинг профессионал илмий даражада ўсиши ва ижтимоий фаоллигини ошириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий ютуқларни тарғиб қилиш, ёшларни илмга жалб этиш ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш каби бир қатор вазифалар кенгашнинг асосий мақсади ҳисобланади.

— Ёш олимлар кенгашининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароит яратилган ва уни янада яхшилаш чоралари устида иш олиб борилмоқда, — дейди ЎзР ФА Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев.

Ҳукуматимиз томонидан ёш тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятлари самарадорлигини оширишга доир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2012 йил 24 июлда Президентимизнинг «Олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, жорий йил бошида Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга кўра, олий ўқув юртини битирган магистрлар докторантура босқичида ўз тадқиқотларини давом эттириши ва қисқа муддатда фан доктори даражасини олиши мумкин. Таълимнинг бу босқичи катта илмий ходимлар — изланувчилар институти деб ном олди. Мазкур институтга кирган тадқиқотчиларга катта илмий ходим унвони бериладиган бўлди. Шунингдек, уларнинг ойлик стипендиялари миқдори оширилди. Бу саъй-ҳаракатлар замирида ёш олимларнинг кўпроқ ўз тадқиқотлари устида ишлашлари, қисқа муддатда илмий натижаларга эришиши кўзда тутилган.

ФАдаги ҳар бир амалий ва инновацион лойиҳада ёш олимларнинг иштироки кўзда тутилган. Аксарият илм-фан соҳасидаги ютуқлар, кашфиётларда уларнинг ҳиссаси катта. Қувонарлиси, 40 дан ортиқ инновацион, илмий-амалий ва фундаментал тадқиқот лойиҳаларига ёшлар раҳбарлик қилишмоқда.

Ушбу илмий тадқиқотлар натижасида, жаҳон аҳамиятига молик бир қатор устувор натижаларга эришилди. Жумладан, юздан ортиқ илмий ихтироларга патентлар олиниб, илмий тадқиқот натижалари бир ярим мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп қилинди. Амалий ишланмалар мунтазам ривожланиб, асосан, республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилди.

Фаннинг турли соҳаларида ёш олимлар томонидан қўлга киритилган илмий натижалар ва ютуқлар «Ёш олимлар ахборотномаси»да мунтазам равишда нашр этиб бориляпти.

Ёш олимлар кенгаши режага мувофиқ турли тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳар йили ЎзР ФА тизими институтлари миқёсида «Энг яхши илмий мақола» танлови ўтказилиб, ёш олимлар моддий рағбатлантириб келинмоқда. Анъанавий тарзда Республика ёш олимлар конференцияси ўтказилмоқда. Бу йилги конференция ҳам Ёш олимлар кенгаши анъанавий фаолиятининг узвий давоми ҳисобланади.

Конференция сўнгида «Энг яхши маъруза», «Энг яхши кўргазма» муаллифлари ҳамда «Энг яхши илмий мақола» танлови ғолибларига эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, Ёш олимлар кенгаши фаол аъзоларига фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

Фанлар академиясининг 70 йиллигига бағишланган ёш олимларнинг илмий-амалий конференциясидаги илмий маърузалар, кўргазмали намойишлар ўзининг долзарблиги, илмийлиги ва қизиқарлилиги билан қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

## АУКЦИОН САВДОЛАРИ ХАБАРНОМАСИ

**«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2014 йил 14 январ куни соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 16.12.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 20.12.2013 йилдаги 324-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол (Огородная) кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 1301,0 кв.метр, қурилиш майдони 62,0 кв.метрдан иборат, бошланғич баҳоси 135 359 000 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз эллик тўққиз минг) сўм бўлган бош механика биноси мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Талабгорлар диққатига.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 13 январ кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

**Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ.** Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати)

Лицензия RR 0170, тел: (8 371) 233-21-18, +99 893 529-30-13 E-mail: rc.group@inbox.ru, *Хизматлар лицензияланган.*

## Академиада — 2013

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфидаги илмий тадқиқот муассасалари ходимлари ўртасида Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги ва Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 70 йиллигига бағишлаб анъанавий «Академиада — 2013» спорт мусобақаси ўтказилди.**

# Байрамга бағишланди

Ходимлар саломатлигини тиклаш, уларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида уюштирилган баҳсларда иштирокчилар мини футбол (эркаклар), стол тенниси, шахмат (аёллар ва эркаклар) бўйича куч синашишди. Беллашувлар Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар, информатика коллежлари спорт базаларида ташкил этилди.

— Спорт тадбирларининг тез-тез ўтказиб турилиши ақлий меҳнат кишиларининг бўш вақтларини унумли ўтказиб, соғлом-тетик бўлишига хизмат қиляпти. Мусобақаларда мунтазам қатнашиб келаман, — дейди Ядро физикаси институти катта илмий ходими Элдор Каримбоев. — Баҳсларнинг байрам арафасида уюштирилгани барчага кўтаринки кайфият улашди. Стол теннисидан биринчи ўринни қўлга киритдим.

— Шахмат севимли машғулотим, — дейди Физика-Қуёш илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими Маҳфуза Мирходиева. — Мусобақада омадим чопиб ғолиб бўлдим. Бундай тадбирлар, тажрибадан маълумки, иш унумдорлигини оширади.

Ғолиб ва совриндорларга Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**






# «Янги йил» топқирлик машқлари

**КРОССВОРД: Рақамлар ва ҳарфлар бўйича «занжир» ҳолида: 1.** Бошланаётган йилда футбол бўйича XX жаҳон чемпионати бўлиб ўтадиган мамлакат. **2.** Янги йил биринчи бўлиб кутиб олинадиган кунчиқар давлат. **3.** Абдулла Орипов шеъридан: «Салом йилнинг ...ига, Янги йилнинг сарварига.» **4.** Мусиқа жўрлигида ижро этиладиган саҳна санъати. **5.** Бошланаётган йилда XXII қишки олимпиада ўйинлари бўлиб ўтадиган шаҳар. **6.** Дилдаги умид, орзу. **7.** Спортнинг қишки турлари бўйича мусобақалар ўтказиб туриладиган, Европа давлатлари ҳудудида жойлашган бир ярим минг километрга чўзилган тоғлик. **8.** Вьетнамда янги йилга берилган ном. **9.** Дунё халқларининг азалий орзу-истаги. **10.** Танаси ҳалқа-ҳалқа, барги патсимон баланд бўйли доим яшил жануб дарахти. **14.** Болаларни даволовчи мутахассис шифокор. **15.** Ўзбек болалар ёзувчиси, «Эҳ биз катталар» асари муаллифи. **16.** Болаларнинг кўкламги учқичи. **17.** Куннинг мусаффо пайти. **18.** Соғлиқни мустаҳкамлашга асос ҳисобланувчи жисмоний машқлар мажмуи. **19.** Циркда мураккаб гимнастика машқларини моҳирона ижро этувчи санъаткор. **20.** Болаларни тарбиялаб, улғайтирувчи аёл. **21.** Бошланаётган йилда таваллудига етмиш беш йил тўладиган таниқли ўзбек болалар шоири, «Уч бўталоқ ва сирли қовоқ» тўплами муаллифи. **22.** Ғафур Ғулом қаламига мансуб фалсафий шеър. **23.** Бежамли байрам ширинлиги. **27.** Билимлар маскани. **28.** Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги таниқли болалар катта хори. **29.** Фарзанд дунёга келганда ўтказиладиган маросим. **30.** Тантанали, шодиёна кун. **38.** Республикамизда фаолият олиб бораётган болалар ташкилоти. **39.** Юртбошимиз сўзларидан: «... билим ва тафаккурда.» **40.** Меҳнат ёки жисмоний тарбия билан организмни ҳар қандой оғир шароитга бардошлилигини ошириш, тоблаш. **41.** Севинч, хурсандлик.

**Бўйига: 11.** Бошланаётган йилда таваллуди кунига бир юз ўн йил тўладиган таниқли ўзбек ғазалнавис шоири, таржимон, «Боғи Эрам», «Кийикнома» достонлари муаллифи. **12.** Минорага ўрнатилган мусиқа жўрлигида занг урувчи соат. **24.** Савод чиқаришда энг биринчи дарслик. **25.** Мучал ҳисоби бўйича бошланаётган йил. **31.** «Шум бола» қиссасидаги бош қаҳрамоннинг исми. **32.** Атоқли ўзбек адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек қиссаси. **33.** Болажонларнинг севимли ширинлиги. **42.** Қизалоқларнинг пилик қўшиб ўрилган сочлари. **48.** Давра қўшиғи. **49.** Ҳар ўн икки йилда такрорланувчи шарқона йил ҳисоби. **50.** Илтифот, марҳамат, олийжаноблик. **51.** Кузатилаётган йилда Ўзбекистон чемпионлигига сазовор бўлган олий лига футбол жамоаси. **53.** Якунланаётган йилда Англия футбол чемпионатининг энг яхши футболчиси, тўпурар. **54.** Йил ҳисоби, йил.

**Энига: 13.** Давом этиб келаётган урф-одатлар мажмуи. **26.** Футбол ўйини анжоми. **35.** Мақолдан: «... билан бола, гул билан лола.» **43.** Сутканинг қуёшли қисми. **45.** Мақолдан: «... сўз — ҳаққа қарор.» **52.** Бирор ишни тартиби билан ўз вақтида бажариш мақсадида аввалдан белгилаб олинган мўлжал.

**Диагонал бўйича чапга: 11.** Кўп истеъмол қилинадиган ичимлик. **12.** Ҳар тўрт йилда такрорланадиган «узун» йил. **32.** Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия ўчоғи. **44.** Болаларнинг қишга хос ўйини. **46.** Янги йилда безанадиган дарахт.

**Диагонал бўйича ўнгга: 31.** Совуқсевар парранда. **44.** Қишга хос кучли совуқ. **47.** Қиш аравасиси.

**Ёйлар бўйича: 33.** Ақлий спорт ўйини. **34.** Волидаларнинг азалий қўшиғи. **36.** Кеч куз, қиш ва эрта баҳорга хос аччиқ совуқ. **37.** Ўзбек халқ эртагидан: «... ва Қиммат.»

**МУАММОНОМА**

**Калит сўзлар: 1.** Бошланаётган йилда таваллуди кунига бир юз йигирма йил тўладиган атоқли ўзбек адиби, романчилигимиз асосчиси — **20, 6, 15, 5, 17, 5, 19.**

**2.** Дунё вақти деб қабул қилинган Буюк Британия ҳудудидан ўтувчи меридиан — **8, 17, 5, 3, 23, 5, 3, 25.**

**3.** Бошланаётган йилда таваллуди кунига саксон йил тўладиган таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Қиёмат қарз» саҳна асари муаллифи — **37, 4, 10, 1, 16. 9, 10, 1, 17, 2, 22, 13, 6, 23.**

**4.** Кузатилаётган йилда Европа чемпионлар лигаси ғолиблигига эришган футбол жамоа – **2, 1, 23, 1, 17, 5, 12.**

**5.** Амударё бўйида жойлашган вилоят – **26, 6, 17, 1, 14, 10.**

**6.** Тунда нур сочувчи нуқта бўлиб кўринадиган само жисми - **24, 4, 15, 9, 14.**

**7.** Йил фасли – **11, 14.**

**8.** Сайёрамизнинг баландлик ҳудуди — **7, 6, 21.**

Энди шакл томонларидаги рақамларни калит сўзлари жавоблари асосида ҳарфлар билан алмаштириш орқали муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан тилак сўзларимизни билиб оласиз.

**Тузувчи:**
**Фозилжон ОРИПОВ**

Газетанинг навбатдаги сони 1 январ, чоршанба куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.50
Topshirildi - 23.50
E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 1211

13521 nusxada bosildi

1 2 4 5